



Даволанадиган нарсаларингизнинг яхшиси...

ЗУЛУК ФОЙДАЛАРИ



Қон олдириш фойдалари

ЗУЛУК ФОЙДАЛАРИ

Тузувчи:
**Саттаров Абдукодир
Нурмухаммад ўғли**

“Adabiyot uchqunlari”
Тошкент – 2015

УДК: 615.089 (083.13)

ББК: 53.59 А-17

Зулук фойдалари / Саттаров Абдуқодир
Нурмуҳаммад ўғли – Тошкент, “Adabiyot
uchqunlari”, 2015 йил, 64 бет.

КБК: 53.59

Зулук – беминнат “шифокор”, десак, хато бўлмайди. У жонли мавжудот ичида инсонга дорилардан кўра фойдалироқ эканлиги илмий исботланган.

Шундай қизиқарли маълумотларни билишни истасангиз, мазкур китобчани бир ўқиб кўринг. Ўйлаймизки, тиббий билимингизни оширишда “Зулук фойдалари” китобчаси асқотади.

Нашриёт муҳаррири:

Шухрат Ғуломов

Ушбу китоб соғликни сақлаш бўйича дарслик ҳисобланмайди. Ундаги барча тавсиялар ШИФОКОР маслаҳати билан амалга оширилиши шарт.

ISBN 978-9943-992-06-1

□ С “Adabiyot uchqunlari”
нашриёти, 2015

СЎЗБОШИ

Қон олдириш қадимдан беморларни даволашнинг, саломатликни асрашнинг энг асосий шартларидан ҳисобланган. Халқ табобатида, айниқса, зулук ёрдамида қон олдиришга катта эътибор берилган.

Замонавий тиббиёт олиб борган узок йиллик амалий тажрибалар зулук фақат қон олдириш воситаси бўлибгина қолмай, балки жуда кўп бедаво дардлардан халос қила олишини ҳам исботлаб берди.

Зулук Яратган томонидан инсонларга берилган улкан неъматдир, десак, хато бўлмайди. Сабаби зулукнинг ажойиб хислатларидан бири – унинг ҳар бир одам учун алоҳида фермент ишлаб чиқаришидир. Гўё у ўзи қўйилган инсонга нима кераклигини “билади”.

Қисқаси, зулук соҳасида билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг ушбу рисоласида халқ табобати ва замонавий тиббиётда зулук билан даволаш тажрибалари, унинг хусусиятлари, зулук муолажаларининг самаралари ҳақида сўз юритилади. У табобат ва соғлигини мустаҳкамлаш билан қизиқувчи барча китобхонлар учун баравар қизиқарли бўлади, деган умиддамиз.

ҚОН ОЛДИРИШ ҲАҚИДА

Қон олдириш азалдан инсонларни даволашнинг асосий шартларидан ҳисобланган. Ҳижома, яъни қон олдириш қадимдан мавжуд.

Буюк зотлар: «Шифо уч нарсада: асалда, қон олдиришда ва оловда куйдиришда», дейишган. Тўғри, кейинчалик оловда куйдиришдан қайтарилганмиз. Улуғ инсонларнинг доимо қон олдиришлари ривоят қилинади.

Қонни қайси вақтларда олдириш маъқулроқ? Машҳур манбаларда: «Қон олдириш учун энг яхши вақт ойнанинг 17, 19, 21-кунларидир», дейилган. Албатта, бунда ҳижрий-камарий сана ойлари назарда тутилган. Бир олимнинг айтишича, хозик табиблар қон олдиришни ойнанинг боши ёки охирига қараганда иккинчи ярмида ёхуд учинчи чорагида амалга ошириш фойдалироқ, деб ҳисоблашади. Агар қон олдиришга зарурат бўлса, уни ойнанинг қайси вақтида ўтказилишидан қатъий назар, вужудга фойда қилаверади...

Олимлар, шунингдек, қорин тўқ пайтида ҳам қон олдиришни тавсия этишмайди. Агар овқат кучли ёки ёмон сифатли бўлса, ҳазми қийинлашиб, кучли оғриқ пайдо қилиши мумкин.

Табибларга кўра, энг фойдали қон олдириш сув муолажаси (ванна) қабул қилгандан кейинги иккинчи ёки учинчи соатда, қорин тўқ ҳам, оч ҳам бўлмаган ҳолатда қон олдиришдир.

Шунингдек, асосан душанба, сешанба, пайшанба кунлари қон олдириш самаралироқ ҳисобланади.

Аммо бемор кишини даволашда уни алоҳида вақт билан чегаралаб бўлмайди. Шунинг учун унда қон олдиришга эҳтиёж туғилиши билан бу ишга киришилаверади.

Қон олдиришни бу муолажани яхши билган мутахассисга топширган маъқул. Қон олдиришнинг бир неча усуллари бўлиб, қортиқ қўйиш, наштар уриш, игна (шприц) ёрдамида олиш, зулук солиш ва бошқалар шулар жумласига киради. Бу усуллардан энг қулайи ва фойдалиси зулук солишдир.

БЕМИННАТ «ШИФОКОР»

Ҳар бир ҳаким ўзига ва беморга энг фойдали, осон, ишончли ва камчиқим даволаш усулини танлаб олиши ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай даволаш усулларида бири халқимиз орасида кенг тарқалган зулук қўйиш билан даволашдир.

Табиатдаги ҳар бир жонзот ёки ўсимлик бежизга яратилмаган. Уларга Яратган томонидан маълум бир вазифа юкланган.

Кўринишидан назарга ҳам кирмайдиган биргина оддий зулукни олиб кўрайлик. Зулук қарийб 3000 йил давомида кўпгина ўлкалардаги халқлар орасида табиблар томонидан бир неча хил касалликларга даво сифатида ишлатиб келинган.

Улуғ зотлар айтишича: «Зулук билан қон олдиришда шифо ва барака бор. У ақл ва хотирани кучайтиради». Азалда бирор киши хасталигидан шикоят қилса, фақат зулук қўйдириш тавсия қилинган.

Иккинчи асрнинг улуғ ҳакимларидан Жолинус (Гелен) ва X-XI асрларнинг атоқли табиби Абу Али ибн Сино ҳам зулук билан даволашга катта эътибор беришган.

Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» китобида зулук солдиришнинг афзалликлари, тартиб-қоидалари ҳақида батафсил маълумот берган.

Бир қатор давлатлар, жумладан, Франция, Буюк Британия, Россия олимлари томонидан олиб борилган илмий-амалий тажрибалар зулукдан тиббиётда янада кенгроқ кўламда фойдаланиш имкониятларини

яратди. Тиббиётда гирудотерапия (лотинчада гирудо – зулук, терапия – даволаш) номи билан аталган муолажа амали мавжуд.

ЗУЛУК ҚАНДАЙ ЖОНИВОР

Зулукнинг 270 та тиши бўлиб, ана шу тишлар остидаги гирудин моддасини инсон танасига юбориш орқали қонни суюлтиради, томирлардаги қонни кислород билан тўйинтириб, юракнинг кислородга бўлган эҳтиёжини қондиради ва бу билан инсон танасидаги лимфа безларининг қувватини ошириб, иммунитетни кучайтиради.

Зулук сўлагида юз хилдан ортиқ ферментатив модда бўлиб, инсон танасида қон айланишини яхшилаш билан бир қаторда танада тўпланиб қолган ёғларни тарқатиб, терини майин ва гўзал қилади, ортиқча вазни йўкотади.

Инсон организмида 8 та биоэнергетик марказ бор, улар тепа суякда, кош ўртасида, бўйин чуқурида, тўш суягида, қораталоқда, чап кўкракда, қорин пастида ва думғазада жойлашган. Зулук қўйиш пайтида ана шу биоэнергетик марказларга алоҳида эътибор бериш зарур бўлади.

Бир йилда ёки олти ой давомида зулук билан профилактика муолажасини олган инсонларда ҳеч қандай касаллик аломатлари кузатилмайди.

Зулук инсоннинг майда қон томирчаларидан қонни сўриш пайтида сўлаги таркибидаги биологик фаол моддасини тўқималарга бериб, модда алмашинувини яхшилайди.

Зулук сўлаги таъсирида инсон терисидаги ва ички аъзоларидаги майда қон томирчаларида қон айланиши яхшилана бориб, бош миянинг иш фаолиятини жонлантиришга фойда беради.

Зулук сўлаги антисептик хусусиятга эга бўлгани учун ундан тери касалликларини даволашда кенг қўлланиб келиняпти.

Бундан ташқари, зулук қўйиш ёрдамида қуйидаги касалликларни даволаш кенг йўлга қўйилди:

- инфаркт;
- стенокардия;
- қон босими ошганда;
- жарроҳлик;
- ортопедо-жарроҳлик;
- бавосил;
- урологик касалликлар;
- гинекологик касалликлар;
- бепуштлик;
- кўз;
- бурун;
- томоқ;
- қулоқ;
- тиш;
- милк касалликлари;
- ўпка;
- жигар;
- ўт пуфаги шамоллаши;
- неврология;
- нефрит;



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/3392> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3392> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3392>